

ШИРИНСЎЗЛИК

05:00 / 28.02.2017 3579

Оилада ёки жамиятда содир бўладиган катта-кичик жанжалларни диққат билан кузатилса, барчасининг сабаби кўпинча қўпол сўз ва муомала бўлиши муқаррар. Бир киши ўйламасдан гапириб қўйса, бошқасига шу гап ёқмайди ва натижада бекордан-бекорга жанжал келиб чиқади. Ширин сўз кўпгина муваффақиятларнинг омилидир. У тараққий этган жамият ташкил этишнинг асосларидандир. Шунинг учун ҳам бу нарсагабарча тарбиячилар ва ислоҳчилар катта аҳамият берадилар. Улар доимо бошқаларга яхши сўзларни айтиш, мулойим гапларни танлашга ундайдилар. Яхши, мулойим гапни ишлатиш, инсоннинг обрўсини орттиради, дўстларини кўпайтиради, ҳамманинг ҳурматиغا сазовор қилади.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ ширинсўз бўлишга чақиради: **«Бандаларимга айтгин, улар энг гўзал бўлган нарсани айтсинлар. Албатта, шайтон ораларини бузиб турадир»** («Исро» сураси, 53-оят).

Аллоҳ мана шу оятда мусулмонларнинг ўзаро суҳбатларида, гап-сўзларида ширинсўз бўлишга буюради. Агар улар буйруққа итоат этмай, ёмон сўзларни ихтиёр қилсалар, албатта шайтон ораларини бузади ва натижада ёмонлик ва душманлик содир бўлади. Бош-қа бир оятда Аллоҳ шундай дейди:

«Ва одамларга яхши гаплар айтинг» («Бақара» сураси, 83-оят).

Аллоҳ таоло паст овоз билан сўзлашга ундайди. Чунки ширинсўзлик шуни тақозо қилади. Овозини баралла қўйиб бақириб-чақириб сўзлашни эса, эшакнинг ҳанграшига ўхшатади:

«Ва овозингни пасайтир. Чунки овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир» («Луқмон» сураси, 19-оят).

Аллоҳ кишилар билан сўзлашаётганда, муомала қилаётганда очиқ юзли бўлишни буюради ва қўполликдан қайтаради. Аллоҳ пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга қарата шундай дейди:

«Аллоҳнинг раҳмати ила уларга мулойим бўлдинг. Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганинда, атрофиндан тарқаб кетар эдилар» («Оли Имрон» сураси, 159-оят).

Шу нарса мусулмонларга бир эслатмаки, улар ҳам доимо хушмуомала, ширинсўз бўлсинлар. Одамлар орасидаги муомалада Қуръон мана шу одобларни ўргатади. Бу нарсалар ҳаётда тинчлик ва бахт-саодат орзу

қилган ҳар бир жамият учун зарурдир.